Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 20-fevral. Payshanba ● 23 (31.770) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: устувор вазифалар

> Бош ғоямиз ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш эмас, балки улар ижтимоий ёрдамга эҳтиёж сезмай яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан, уларни муносиб ҳақ тўланадиган иш ўрни билан таъминланишига эришишдир.

Дастур ижросидаги изчиллик

партия ғоялари ҳаётда ўз ифодасини топишининг муҳим шартидир

Газетанинг Фарғона вилоятидаги мухбирлик бўлимига мурожаат қилган йигит ўзини қувасойлик Авазбек Ҳусаинов, деб таништирди.

— Эшитишимча, бугун ЎзХДПнинг йиғилиши бор экан, мен ҳам иштирок этсам, у ердаги гапларни тингласам, дегандим. Ёш сиёсатчилар сафига қўшилиш ниятим бор.

Очиғи, нима дейишни билмай қолдим. Лекин унинг товушидаги самимийликни кўриб, «бемалол юринг», дедим.

Биз ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Фарғона вилоят кенгаши ҳамкорликда ташкил этган аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда партия ташкилотлари, депутатлик фаоллигини кучайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбатига бирга бордик, ёнма-ён ўтирдик.

► Давоми 2-бетда.

Фуқаролик жамияти институтлари —

демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари

Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзусидаги ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари асосий қадриятга айланадиган, қонун устуворлиги таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳонда кенг эътироф этилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» давлатимиз томонидан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича танланган йўлнинг асосига айланди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бу борадаги ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан биридир.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида янги босқич бўлганини алоҳида таъкидлади.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланишига кўмаклашмоқда. Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, сўнгги беш йилда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларига муҳим давлат дастурлари ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун 28,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

— Фуқаролик жамияти — ривожланган демократик давлатнинг асосидир, — деди элчи, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти фаол ривожланмоқда. Ушбу жараёнда биз ҳам иштирок этиб, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти каби ташкилотлар билан аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилаётганимизни таъкидлашни истардим. ЕХҲТга аъзо давлатлардаги халқаро экспертларни таклиф этган ҳолда тадбирлар ўтказмоқдамиз, уларда иштирокчилар тажриба алмашиб, билимларини бойитмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2013 йил 12 декабрда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобот топшириш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Давоми 3-бетда.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Тарғиботнинг таъсирчанлиги

тажриба ва маҳоратимизга боғлиқ

Юртимиз турли соҳалардаги ютуқлари билан дунё мамлакатлари орасида ўзига хос мавқе эгаллагани бежиз эмас. Президентимизнинг шу йил 17 январдаги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида келтирилган маълумотлар буни яна бир бор исботлаб турибди.

Айни кунларда жойларда ЎзХДП Марказий Кенгаши, парламентдаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва фаоллари иштирокида ушбу маруза маъно-мазмунини кенг тарғиб этишга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

⇨ 2

ЎзХДП бош мақсади — ижтимоий ҳимоя

Йигирмага яқин доимий

ва икки юздан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилди

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Алихон қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Намсибагробизнес» масъулияти чекланган жамиятида мева данаги мағзидан ёғ тайёрлаш йўлга қўйилди.

Вилоят марказидан 50 километр олисдаги чекка қишлоқда иш бошлаган корхона йилига 600 тонна қуруқ мева, 250 тоннадан зиёд мағиз ёғлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугун бу ерда асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишламоқда.

— Корхонада 20га яқин муқим иш ўрни яратилган, 200 нафардан ортиқ киши мавсумий ишга жалб этилади, — дейди **ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи аъзоси Жалолхон Ҳамроев.** — Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, коллежимизда мазкур соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳақида таклиф тайёрлаб, мутасадди идоралар билан биргаликда шу масалани ҳал этишни режалаштириб турибмиз.

— Чортоқ боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган туман, — дейди МЧЖ раҳбари Жаҳонгир Шералиев. — Бу эса ушбу ҳудудда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этишни тақозо этади. 12 турдаги мева данагидан олинаётган ёғлар иш бошлаганимизнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи бозорга чиқарила бошланди.

Жорий йил учун хорижий буюртмачилар билан бир миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланган эса келажакда корхонанинг йирик саноат муассасасига айланиши ҳамда қўшимча равишда кўплаб иш ўринлари ташкил этилишидан дарак беради.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

Ўзбекистон ХДП қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ишларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини оширишга қаратилган вазифалар изчил амалга оширилишида фаол иштирок этади.

ЎзХДП маҳаллий кенгашлари диққатига!

ГАЗЕТА СИЗГА ВАҚТИДА ЕТИБ БОРЯПТИМИ?

Маълумки, газетага обуна бўлган киши уни вақтида олиб ўқишни истайди. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришига почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз.

Газетамиз чоп этилганидан сўнг неча кунда сизга етиб боряпти?

Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол қўнғироқ қилишингиз ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

***Тел:* 233-65-45, 233-81-97.**
***Факс:* 233-65-45.**
***Электрон почта: e.mail:* info@uzbekistonovozi.uz**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Масъул раҳбарлар ҳисоботини тинглаш

асосида электорат манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул этилишига эришиш зарур

www.uzbekistonovozi.uz

Нуқтаи назар

Камолиддин АКРАМОВ,
ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси:

— Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП барча ташкилотларида 2006 йилдан бери сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар ўтказиб келинади. Семинар ва давра суҳбати тарзида ўтказиладиган тадбирларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳамда қарорлар мазмун-моҳияти каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия аъзолари, электорат вакиллари сиёсий ва ҳуқуқий билимини оширишда мазкур ўқувлар аҳамиятини ҳисобга олиб, уни тобора такомиллаштириб бориш зарур, деб ҳисоблайман.

Ўқув машғулотлари умумэътироф этилган илғор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ўтказилса, таъсири ошади, самараси юқори бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, партия кенгашларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш керак. Бундан ташқари, ўқувларни замонавий усулларда олиб борадиган модераторларни тайёрлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Модератор тажрибали бўлса, қайси даражада ташкил этилмасин, сиёсий ўқувларнинг таъсирчанлиги юқори бўлади, кўзланган мақсадга эришилади.

Шунингдек, ҳар бир сиёсий ўқувдан олдин мавзу, режа ва дастурларни пухта ишлаб чиқиш, тарғиботчи ва тингловчилар учун услубий қўлланма, ахборотнома, маълумотномалар тайёрлашни доимий равишда йўлга қўйсак, тадбирлар самараси катта бўлади.

Ўқувни интерфаол усуллар, яъни фикр алмашув, мулоқот тарзида ўтказиш иштирокчиларнинг қизиқишини орттиради. Сиёсий ўқув доимий ҳаракатдаги жараён бўлгани учун унинг иштирокчилари ҳар гал бир хил аудитория бўлиб қолишига йўл қўймаслик ва мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, электоратимиз вакилларини уларга кенг жалб этиш лозим бўлади. Мутахассислардан эса ҳаётий мисоллар асосида содда усулда тушунтириш олиб бориш талаб этилади.

Келгуси сонда:

Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг иштироки қандай бўляпти?

Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.

Халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида мансабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилмоқда...

ЎзХДП: устувор вазифалар

ДАСТУР ИЖРОСИДАГИ ИЗЧИЛЛИК

партия ғоялари ҳаётда ўз ифодасини топишининг муҳим шартидир



Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 январдаги мажлисидаги маърузаларида кўтарилган масалалар, сиёсий партиялар фаолияти ҳақида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, уларни ҳаётга жорий этишда ЎзХДПнинг ўрни ва иштирокини янада кенгайтириш ҳақида партия етакчилари, депутатлар, фаоллар иштирокида фикр алмашув, мунозара бўлди. Партиянинг 2014 йилга Ҳаракат дастурининг устувор йўналишлари белгилаб олинди, 2013 йилдаги натижалар танқидий баҳоланди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДП вакиллари бўлган 223 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2013 йил давомида партия Ҳаракат дастури ва бошқа ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун партия гуруҳлари томонидан жойлардаги турли ижтимоий-иқтисодий масалалар ўрганилди ҳамда муҳокама этилди. Жумладан, 20 та масала партия гуруҳлари йиғилишларида, 52 та масала доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилган бўлса, 11 та масала сессияларда муҳокама этилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, сессиялар, доимий комиссиялар йиғилишларида масала бир томонлама муҳокама этилмасдан, унга дахлдор ташкилот, корхоналар раҳбарлари, ижро ҳокимияти вакилларининг иштироки таъминланди. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида мансабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан электорат манфаатлари таъминланишига, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига хизмат қилади.

Давра суҳбатида расмий маърузалар, ҳисоботлар бўлмади. Ҳар ким ЎзХДПнинг амалий ишларини кучайтириш, мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида таклифларини ўртага ташлади. Камчиликлар очиқ-ойдин айтилгани тегишли хулоса чиқаришга чорлади.

— 2014 йилга мўлжалланган партия Ҳаракат дастуридаги асосий вазифалар Соғлом бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурининг устувор йўналишларини амалга оширишда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадига қаратилмоқда, — деди **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов.** — Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, жорий йилда ҳам партиямиз фаолиятининг муҳим йўналиши парламент томонидан тасдиқланган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйишдан иборат бўлади.

> 20 та масала партия гуруҳлари йиғилишларида, 52 та масала доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилган бўлса, 11 та масала сессияларда муҳокама этилган.

— Соғлом бола йили ғояларини рўёбга чиқариш бўйича ўз режамизни ишлаб чиқдик, — деди **ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси Умматали Маҳмудов.** — Бу борада Президентимиз томонидан белгилаб берилган бешта йўналиш биз учун дастуруламал бўлди. Партия гуруҳимиз билан ҳамкорликда 3 та масалани доимий комиссиялар муҳокамасига, 1 та масалани сессия кун тартибига киритишни режалаштирдик. Соғлом бола камол топишида маънавиятнинг роли катта эканини ҳисобга олиб, Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволини ўрганиб, сессия муҳокамасига тайёрлаш ҳаракати депутатлар ва фаоллар томонидан бошлаб юборилди.

Биз учун энг муҳими, партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларни қай даражада амалга ошираётганимиздир. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, узоқ муддатга мўлжалланган режаларни белгилаб олишда қатнашиш, вакиллик ҳокимияти муҳокамасига турли масалаларни олиб чиқишдан асосий мақсад ана шунга қаратилган.

— Партиямизнинг илдизи бошланғич ташкилотлардир. Биз барча амалий ишларимизда, аввало, уларга таянишимиз лозим. Чунки у кенг аҳолини сиёсий жараёнга тортишнинг энг самарали воситасидир, — деди **тажрибали партия фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Топиболди Холдоров.** — Мен хизмат юзасидан ҳар куни шаҳарма-қишлоқ кезаман. Жойларда партиямизнинг бошланғич ташкилотлари иши билан ҳам танишдим. Мақтовга лойиқ БПТ ҳақида гапирмоқчи эмасман. Ютуқлар ўзимизники, лекин айрим жойларда партия Дастури, Устави, Сайловолди дастури ва бошқа ҳужжатлари, рамзлари етарли эмас. Бошланғич ташкилотнинг кундалиги юритилмайди. Демак, айнан БПТнинг таъсири жуда оз. Биз шу каби камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича алоҳида иш олиб боришимиз керак. Ахир вилоятда БПТлар борасида ўрнак олса арзийдиган тажрибалар бор-ку.

Давра суҳбати модератори **ЎзХДП Бувайда тумани кенгаши раиси Ҳабибахон Тошматова** ибратли ташаббуслар ҳақида тўхталди.

— Партия ташкилотимизда айни пайтда 6000дан зиёд аъзо мавжуд, — деди Ҳ.Тошматова. — Улар 44 та бошланғич партия ташкилоти атрофида уюшган турли ёш ва ҳар хил касб-кор вакилларидан иборат. Партия ташкилотининг нуфузи, таъсири, аввало, унинг аъзолари фаоллигига боғлиқ эканини ҳисобга олиб, ишлаяпмиз. Биринчи навбатда партия сафини кенгайтириш, йиғилишлар ва тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, ташкилотларимизнинг моддий-техник ҳолатини яхшилашга катта эътибор бериляпти.

Туман кенгашининг 11 та ҳудудий партия ташкилоти қошида доимий фаолият юритадиган Жамоатчилик қабулхоналари ишлаб турибди. Партия электорати ва аҳоли билан ишлашда улар орқали кўтарилган масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Лозим топилган масалалар умумлаштирилиб, халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқилиб, ижроси депутатлар орқали назоратга олиняпти. 2013 йил ва шу йилнинг ўтган 2 ойи давомида 3 та масала туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилди, 4 та масала эса доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди.

Жумладан, туман кенгашининг 18-сессиясида фермер хўжаликлари қошида ҳисобчи, ташкилий ишлар бўйича хўжалик раҳбари ёрдамчиси ва тиббиёт ҳамшираси штатлари жорий этиш ва коллеж битирувчиларини шу вазифаларга жойлаштириш ҳақидаги аниқ таклиф билан чиқдик ҳамда тегишли қарор қабул қилинишига эришдик.

Умуман, кенгаш фаолиятида ибратли жиҳатлар кўп. Аъзоларимиз фаол ва ташаббускорлигининг муҳим омили партиямиз марказий нашрларига тўлиқ обуна бўлгани деб биламан.

Давра суҳбатида партиянинг кўплаб ёш фаоллари ҳам иштирок этаётганди. **Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Дилфуза Содиқова** мунозарага қўшилди.

— Боя партия ташкилоти «ёшариб» бораётгани айтилди. Бу — бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар мамлакатдаги сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Биз ҳали кўп ўрганишимиз лозим. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида ёш сиёсатчилар тажрибалари кенгроқ ёритиб борилса, партиянинг ёш фаоллари қатламини янада кенгайтиришда бу муҳим аҳамиятга эга бўлар эди, деб ўйлайман.

Яна бир гап. 2013 йилдан бошлаб чет тили ўқитишнинг янги тартиб ва меъёрлари жорий қилинди. Бу нақадар аҳамиятли эканини ҳисобга олиб, жойларда партиянинг ҳар бир шаҳар-туман кенгаши, партия гуруҳи масала ижросини доимий назоратга олишини таклиф этаман...

Давра суҳбати чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари, партия гуруҳлари иштирокини кучайтириш билан боғлиқ яна кўплаб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбатига **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов** якун ясади.

— Бугунги суҳбатдаги очиқлик ва самимият руҳи партиямизнинг барча тадбирларида сақланиб қолади, деб ишонаман. Албатта, 2014 йилда ҳам партиямиз олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу халқ фаровонлиги, мамлакат равнақига ҳисса қўшиш билан чамбарчас боғлиқ. Биз айрим одамлардаги боқимандалик кайфиятига бутунлай барҳам бериб, тараққиётга фаол ҳисса қўшадиган кишилар сафи тобора кенгайиб боришига эришишимиз керак. Бош ғоямиз ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш эмас, балки улар ижтимоий ёрдамга эҳтиёж сезмай яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан, уларни муносиб ҳақ тўланадиган иш ўрни билан таъминлашга эришишдир. Биз партия ғояларини аҳоли орасида кенгроқ тарғиб қилишда бу йўлдаги амалий ишларимизни оддий мисоллар билан тушунтириб беришимиз керак. Электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган масалаларни доимий комиссия, сессияларга киритиб, ижро ҳокимиятининг масъулиятини оширувчи қарорлар қабул қилинишига эришиш тажрибасини давом эттирамиз. Депутатлик назоратини кучайтириш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Кўчма жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кенгайтириб, кўтарилган масалалар бўйича мансабдор шахслар ҳисоботини тинглашни йўлга қўямиз.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси жонли мисоллар асосида Фарғона вилоят партия кенгаши, партия гуруҳлари ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб берди. Давра суҳбатидаги таклиф ва мулоҳазаларга муносабатини билдирди.

...Авазбек Хусаинов Давра суҳбатини диққат билан тинглади, ён дафтаридаги қайдлари бир неча саҳифа бўлди.

— Яқинда ЎзХДПга аъзо бўлгандим, — деди у секингина. — Адашмабман. Мен энди шундай суҳбат, учрашувларда доим иштирок этибгина қолмай, олган таассуротларимни тенгқурларим билан ўртоқлашаман. Партия белгилаган вазифаларни амалга оширишда ўзим ҳам қатнашаман.

Давра суҳбати якунида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обунани намунали уюштирган Фарғона шаҳар, Риштон, Бувайда, Қўштепа, Данғара, Тошлоқ, Учкўприк, Қува туман партия кенгашлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаккурномаси, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Тарғиботнинг таъсирчанлиги

тажриба ва маҳоратимизга боғлиқ

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Президентимиз маърузасида муайян соҳалардаги ютуқларнинг туб омиллари, айни пайтда йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари, уни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари белгилаб берилгани билан муҳим эътибор ва қимматга эга. Шу боис уни ортиқча шарҳлаш, изоҳлашга эҳтиёж сезилмайди. Фақат тарғиботчидан Президентимиз томонидан олға сурилган фикрларни янги сиёсий технологияларни қўллаган ҳолда, таъсирчан шакл ва услубларда баён қилиб, тингловчиларга етказиш талаб этилади. Айни чоғда ҳар бир мавзу, масала бўйича партиявий ёндашув бўлиши ҳам талаб этилади.

Бугунги тингловчи илгариги замондаги сингари папка қўлтиқлаб, узундан-узун қироатхонлик қилувчи маърузачиларга муҳтож эмас. У керак бўлса, тарғиботчидан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлиши, ундан кўра кўпроқ нарсадан хабардор экани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки бугун биз ахборот олиш ва тарқатиш учун катта имкониятлар яратилган, информацион технологиялар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келаётган даврда яшаяпмиз. Тарғиботларимиз ҳам шунга хос ва мос бўлиши шарт. Акс ҳолда, уни талабчан аудитория қабул қилмаслиги аниқ.

Мазкур долзарб мавзу бўйича тарғибот ўтказишда энг аввало, менинг назаримда, дастлаб эътиборни Президентимиз маърузасидаги бизнинг олижаноб мақсадларимизни ифода этувчи сарлавҳага қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни, **«2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади»,** — деган ёндашувнинг ўзиёқ бизнинг жорий йилдан кўзлаган бош мақсад-муддаомизни яққол акс эттиради.

ЎзХДП дастури ва шу дастур асосида ишлаб чиқилган, Сайловолди платформасида белгиланган манзилли ижтимоий ҳимоя масалалари партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун маърузадаги қуйидаги фикрларни тингловчилар онгига чуқур сингдирмоқ лозим:

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди. Бизнинг электорат учун бу кўрсаткичнинг муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам манфаатлари худди шу ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларга бевосита боғлиқ. Шу боисдан маърузада келтирилган ушбу салмоқдор факт ва рақамлардан бизнинг партияга хайрихоҳ бўлганларнинг воқиф бўлмоғи муҳим аҳамиятга эга.

Яъни, ўтган йили ҳам аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари мамлакатимиз ҳаётида ҳал қилувчи ўрин эгаллагани, янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътибор марказида бўлгани қувонарли ҳолдир.

Тарғиботчи партиямизга дахлдор яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим. Мамлакатимиз раҳбари томонидан ёш авлод, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, улар ҳаётдан муносиб ўрин эгаллаши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилиши бизнинг партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, мутасадди вазирликларнинг бу борадаги ҳисоботларини эшитиб бориш, жойларда сайловчилар билан учрашувлар чоғида бу масалани назорат қилиш, партиямизнинг Марказий Кенгаши, парламентдаги фракцияси, шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан тизимли йўлга қўйилмоқда. Маърузадаги қуйидаги рақамлар бу борада мамлакатимиз миқёсидаги салмоқли ишлар амалга оширилганлигининг яққол исботидир:

Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди ва айтиш жоизки, бунинг аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Бу жуда паст кўрсаткич. Кўпгина, шу жумладан, қўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори экани, яъни ўта камбағал ва ночор аҳоли гуруҳлари ва ўта бойлар гуруҳи орасидаги тафовут ошиб бораётганини кўрсатади. Ўзбекистонда бу фарқнинг паст даражада эканлиги мамлакатимизда кенг омма, айниқса, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган халқчил сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтказилаётган тарғибот тадбирларида фақат ютуқлар ҳақида гапириш билан чекланиб бўлмайди, албатта. Камчиликларни четлаб ўтмай, уларнинг сабабларини ҳаётий мисоллар билан тушунтириш лозим.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтган тадбирда мен Президентимиз маърузасида танқид қилинган корхоналардан айнан Тошкент шаҳридаги «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти, Трактор заводи, «Агрегат заводи», «Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамиятларининг оғир молиявий аҳволга тушиб қолганини мисол келтириб, мазкур корхоналардаги бошланғич ташкилотларимиз бу масалага бефарқ қарамаслиги лозимлигини айтиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирдим.

Табиийки, тарғибот тадбири қайси соҳа вакиллари иштирокида ёки қайси ҳудудда ўтказилса, маърузадаги худди шу соҳа ёки ҳудудга дахлдор факт, рақам ва мушоҳадалардан фойдаланилса, у кутилган натижа бериши аниқ.

Мухтасар айтганда, ўтказилаётган ҳар бир тарғибот тадбири таъсирчан бўлса, тингловчига фойдаси тегади ва самараси бўлади.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 7,8 мингдан ошди. 1991 йилнинг бошида мамлакатимизда атиги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритар эди

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Бундан ташқари, давлат божи ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатига олиш учун тўланадиган йиғимлар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, давлат рўйхатига олиш бўйича мурожаатларнинг адлия органлари томонидан кўриб чиқиш муддати қисқартирилди.

— Ўзбекистонда давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда, — деди «Ўзбекистондаги минтақавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилоти (Словения) минтақавий директори Мьюша Север. — Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган йилнинг охирида қабул қилинган қарорда ННТларни рўйхатдан ўтказиш тартиби жиддий равишда соддалаштирилгани, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилгани бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаоллиги ортиб, фаолият самарадорлиги юксалди.

Конференцияда фаолияти миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг барча меъёрларига мос келадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижобий тажрибасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик базаси ва кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли нодавлат нотижорат ташкилотлари сони йилдан-йилга ортиб, уларнинг фаолияти самарадорлиги ва сифати юксалиб бормоқда. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, адлия идораларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 7,8 мингдан ошди. Ҳолбуки, 1991 йилнинг бошида мамлакатимизда атиги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритар эди. Бугунги кунда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тузилмалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳудудий бўлинмаларининг салмоқли ўрни бор. Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ажратилаётган грант маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаштириш ҳажми кенгаймоқда. Масалан, агар 2009 йилда уларга 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг муҳокамасига нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларини жалб этиш ўсиб бораётгани ҳам таъкидланди. Хусусан, 2013 йилда улар «Экологик назорат тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ва «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва муҳокамаларида, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этди.

Давоми. Боши 1-бетда.

— Бундай муҳим тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан, айни пайтда энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишга ноҳукумат ташкилотлари жалб қилинаётганидан далолат беради, — деб таъкидлади БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Яко Силлерс. — Мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларга ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол жалб қилиниши ва уларнинг иштироки Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб беради.

Конференцияда иштирок этган хорижлик мутахассислар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, уларни янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш бўйича самарали давлат сиёсати амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этди. Мустақил ОАВнинг жамоатчилик назорати тизимидаги роли алоҳида кўриб чиқилди ва ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларини ўзида мужассам этган мустаҳкам қонунчилик базаси бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори ОАВ мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги ролини оширишда навбатдаги қадам бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сонининг изчил ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 1991 йилдан буён уларнинг сони 291 дан 1372 га етди. Шу ўринда уларнинг 62 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканини қайд этиш керак.

2013 йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида муҳим воқеа бўлди. Ҳуқуқий экспериментга ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилди. Мазкур жараён фуқаролик жамияти салоҳиятидан фойдаланишнинг янги усули самарадорлигини яна бир бор тасдиқлади. Айни пайтда ҳуқуқий эксперимент натижалари инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилган қонун лойиҳаси парламентимизнинг қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Конференция доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг тутган ўрни ҳам кўриб чиқилди. Маърузачилар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунида ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқий асослар тўғрисида фикр юритди. Мамлакатимизда қонунчилик асосида кўппартиявийлик тизими ва сиёсий плюрализмни ривожлантириш учун ҳам шароит яратилган.

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ваколатини кучайтиришга йўналтирилган ўзгартишлар киритилди.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти — маҳаллага алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган адолатли институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигидан далолат беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2013 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Айни пайтда мамлакатимизда 9,7 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган навбатдаги сайловда 9756 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99,6 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган 30 дан ортиқ вазифани бажариб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Конференция иштирокчилари фуқаролик онги ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

2013 йилда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан таълим муассасалари ўқувчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти фаоллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги янада юксалганидан далолат бермоқда. Хусусан, сўровда қатнашганларнинг 95 фоизи қонунга доимо риоя этиш зарурлигини билдирган. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини яхши билади.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони ва «2001 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилди. Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал базасини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилаш учун асос яратилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Очиқ муҳокамалар давомида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятларга эътибор қаратилди ва таҳлил қилинди. Конференция якунида жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, сиёсий партияларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

Реклама ўрнида

XALQ BANKI **Сирдарё вилояти филиали:**

Ишончли хизмат, манфаатли ҳамкорлик

Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Сирдарё вилояти филиали намунали банк хизматлари туфайли мижозлар ишончини қозонган молия муассасалари сирасига киради. Банк вилоят филиали тасарруфида 9 та туман-шаҳар филиали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 4 та минибанк, 19 та махсус касса ҳамда бошқа кўплаб шохобчаларнинг мижозларга яқин ва қулай манзилларда жойлашгани «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган тамойилнинг тўла-тўкис амалга ошишини таъминлаётир.

Ўтган 2013 йилда вилоят филиали мижозлари сони сезиларли даражада ортиб, жами 6978 тани ташкил этди. Айниқса, «Халқ банки»нинг молиявий кўмаги туфайли янги тадбиркорлик субъектларининг кўпайгани, банк билан ҳамкорлик қилиб келаётган мижозлар ўз фаолиятини кенгайтириб бораётгани аҳамиятлидир. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу йўналишга жами 33239,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида 296 та янги иш ўрни яратилди.

— 2013 йил апрелида «Халқ банки»дан икки юз эллик миллион сўм кредит олиб, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди Сирдарё туманидаги «Севинч Кўҳинур файз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Исмат Исмоилов. — Шукр, бу сармоя ишимизга барака келтирди. Маҳалламиздаги 12 нафар ёш ҳам доимий иш билан таъминланди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу йўналишга жами 33239,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида 296 та янги иш ўрни яратилди.

Шу тумандаги «Саидакбархон Камоли» масъулияти чекланган жамиятида эса 242 миллион сўмлик кредит эвазига аҳолини қишда ҳам сархил помидор, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилувчи яна бир замонавий иссиқхона хўжалиги пайдо бўлди.

— «Халқ банки»нинг молиявий кўмаги билан паррандачилик соҳасида йирик лойиҳани рўёбга чиқардик, — дейди Сардоба туманидаги «З.М.Бобур» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Ҳожиматов. — Яъни, уч йил муддатга ажратилган 400 миллион сўм сармоя деярли барча харажатларимизни қоплади. Ушбу лойиҳа туфайли 50 та янги иш ўрни яратдик.

Умуман олганда, 2013 йилда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни тўлдириш борасида молиявий муассаса томонидан ажратилган кредитлар салмоғи сезиларли даражада ошди.

Шунингдек, банк ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳам мижозларнинг энг яқин молиявий кўмакчиларидан бирига айланган. Ўтган бир йил мобайнида ажратилган 858,9 миллион сўм истеъмол ва 1247,0 миллион сўм ипотека кредитлари ўнлаб ёш оиланинг уй-жойга эга бўлиши, рўзғорини бутлаб олиши, турмуш фаровонлиги ошишига замин яратди. Айни чоғда бундай ижтимоий қўллаб-қувватлашни банкнинг тадбиркор аёлларга молиявий кўмагида ҳам кўриш мумкин. Дейлик, сўнгги даврда 23 нафар аёл «Халқ банки»нинг ана шундай имтиёзли хизматидан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олди.



(ЎзА) олган сурат.

Маълумки, аҳоли бўш пул маблағларини омонат турларига жалб этишда ҳам «Халқ банки» тажрибали, етакчи молиявий муассасалардан саналади. Энг муҳими, банкка ишонган кишилар ўз маблағини ишончли сақлаш билан бирга қўшимча даромад топиш имкониятига ҳам эга бўлаётир.

«Халқ банки» муассасаларидан мижозлар қадами узилмаслигининг яна бир жиҳати — бу ерда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия маблағлари ҳам шаклланади. Хусусан, банкнинг Сирдарё вилоят ва туман, шаҳар филиалларида бу муҳим ижтимоий масалага алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Белгиланган тартибга кўра, пенсия жамғармалари мажбурий равишда амалга оширилиши баробарида, банкка фуқароларнинг ўз хоҳишлари билан маблағ қўяётганликлари ҳам эътирофга лойиқдир. Бу борада банк томонидан жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда бадал киритган иштирокчилар ўртасида ютуқлар тиражи ўтказиб борилаётгани эса мижозлар қизиқишини янада орттирмоқда.

— Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағимга ўз ихтиёрим билан 75 минг сўм қўйган эдим, — дейди Муҳаммали Ҳаққулов. — Ана шу маблағ тез орада менга бир неча баробар бўлиб қайтди. Нега десангиз, омадим чопиб тиражда энг яхши дам олиш масканларидан бирининг йўлланмасини ютиб олдим. Ҳузур қилиб дам олиб, саломатлигимни мустаҳкамладим.

Шунингдек, вилоятда истиқомат қилувчи Исмоил Аққулов, Рустам Жулбеков каби бошқа кўплаб фуқаролар ҳам банк томонидан яратилган ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлди.

«Халқ банки»нинг Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар филиаллари томонидан 2014 йилда кўплаб эзгу мақсадларни амалга ошириш белгиланган. Мижозларга банк хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, юрт равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда фаол иштирок этиш — бу режаларнинг асоси, албатта.

«Халқ банки»
матбуот хизмати.

Васиятнома расмийлаштируви ошкор қилинди

Нохуш ҳодиса сабабли ҳушсиз ётган «Формула-1» бўйича етти карра жаҳон чемпиони Михаэль Шумахер 2010 йили 1 миллиард еврога васиятнома расмийлаштиргани ҳақида «Ole» нашри хабар тарқатди. Унда ёзилишича, Шумахер ҳисоб-рақамидаги барча маблағ ва кўчмас мулк унинг хотини ва фарзандлари — ўғли Мик ҳамда қизи Жина-Мария ўртасида тенг тақсимланади.

Бундай васиятнома ёзилишига пойгачининг 2003 йилда Картахен (Испания)-да ҳалокатга учрагани сабаб бўлган.

Маълумки, 2013 йил 29 декабрда Шумахер Францияда чанғи учаётиб йиқилган ва боши тошга урилган. Пойгачи Мутьедаги ва Гренобльдаги шифохоналарда бир неча марта жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Унинг аҳволи бўйича нашрларда турлича фикрлар билдирилмоқда. Аммо расмий шарҳлар берилганича йўқ, негаки, пойгачининг даволовчи врачларига матбуот билан алоқа боғлаш тақиқланган.

Яна бир гап: пойгачининг мухлислари уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирмоқда. Франция, Германия ва Италиядан келган ишқибозлар шифохона олдида туриб, ўзларининг Шумахер билан бирдам эканликларини изҳор этмоқда.

14 ойлик таътил...

Германияда янги туғилган чақалоқ тарбияси учун нафақат онанинг ўзига, балки отасига ҳам 14 ойлик таътил олиш имкони берилади. Бу вақт давомида уларга маошининг 63 фоизи миқдорида ҳақ тўлаб турилади. Бола тарбияси билан ким неча ой шуғулланишини ота-онанинг ўзи ҳал қилади — хоҳласа эр 7 ойга, хотин кейинги 7 ой учун таътилга чиқиши мумкин, хоҳласа бошқача.

Бироқ «Forsa» жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ўтказган тадқиқот натижаларига асосланиб «Sueddeutsche Zeitung» газетаси хабар тарқатишича, немисларнинг ҳар бештадан бири ёки 81 фоизи бола тарбияси учун бериладиган таътил имкониятидан фойдаланмас экан. Фақат 19 фоиз эркак атиги икки ойга таътил оларкан. Бу бериладиган таътилнинг энг минимал кўрсаткичига тенг.

Сўровда иштирок этганларнинг 45 фоизи бола тарбияси учун таътилга чиқиш карьерани бой бериш билан тенг, деб ҳисоблайди.

Ижодкорнинг қалб кўзи очиқ бўлмаса, фотоаппаратнинг бир кўзи билан ҳеч нарсани кўра олмайсиз

«Мен ушлаб қололмаган лаҳзалар»

Фотожурналист Назира Боймуродова билан суҳбат

— Ўзингиз ҳақингизда...

— Кўпчилик менга «тиниб-тинчимас» қизсиз-да, дейди. Ҳаёт ҳаракатдан иборат бўлгани учун, бир дақиқа бўлсин, бекорчиликни тасаввур қила олмайман. Баъзан ўзимга ўзим «онам мени роса меҳнатга тўққан экан-да», деб кўяман ва бунинг учун отамдан миннатдор бўламан. Чунки, у киши бизни ҳеч ҳам тиндирмасди. Бир қарасангиз, ғишт қуйиб, девор кўтарардик, ҳали қарасангиз, даладан ўтин йиғиб, уйга олиб келардик. Меҳнат мени чиниқтирди, тарбиялади. Бўлмаса, 13 йил олдин ота-онамнинг дуосини олиб, қиз бола бошим билан пойтахтга келишга журъатим етмасди. Бугун ижод оламида нимагаки эришган бўлсам, меҳнат ва ҳаракат, ота-онамнинг дуоси орқали эришдим, деб айта оламан.

Агар бошқалардан ажралиб турадиган бирор жиҳатим бўлса, у — меҳнаткашлигим, келажакка ҳамиша ишонч билан қарашим.

— Сурат олишни қандай фотоаппаратдан бошлагансиз?

— Кўплаб лаҳзаларни муҳрлашимга сабабчи бўлган илк фотоаппаратимни уйқудан уйғотиб сўрасангиз ҳам айта олсам керак. Бу жажжигина «Samsung» эди. Уни талабалигимда стипендияларимни йиғиб олганман. Энг қизиғи, кўпчиликка маъқул бўлган суратларим ана шу фотоаппарат орқали туширилган.

Кейин яна бошқаларини харид қилганман. Мен бирор нарсага қаттиқ боғланмасликка ҳаракат қиламан. Ҳамма нарсада меъёрни ушлашни истайман. Бир куни «Canon» D1100 маркали аппаратимни йўқотиб қўйдим. Бу воқеани юрагимга яқин олмадим. Вақт ўтиши билан яна шундайини сотиб олдим.

> Одамлар икки кўзи билан кўра олмайдиган ҳолатларни сураткаш бир кўзи билан кўриши керак.

— Кўпинча нималарни суратга оласиз?

— Мени табиат мўъжизалари ҳайратлантиради. Гулда ҳам, тиконда ҳам гўзалликни кўра оламан. Айниқса, болаларни суратга олиш жонудилим. Ишларимнинг асосий қисмини улар билан боғлиқ фотосуратлар ташкил этади.

— Бетакрор кадрлар ҳақида гапириб берсангиз.

— «Бешик боласи», «Оққўрғон тонглари», «Акс», «Бўстонлиқ мўъжизаси» каби ишларим кўпчиликда яхши таассурот қолдирган. Суратга олаётганда қаҳрамонимни кулдира олсам, бу — менинг омадим.

— Бир муваффақиятни иккинчи марта такрорлай оласизми?

— Баъзи профессионал ижодкорлар «мен бир марта суратга оламан», дейишади. Менда эса, аксинча. Қайта-қайта олавераман. Фото санъатида 100 та ишдан 10 тасининг яхши чиқиши фотоаппаратга ҳам боғлиқ бўлса, тасвирий санъатда 10 та ишдан тўққизтасининг яхши бўлиши ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ.

— Одамлар икки кўзи билан кўра олмайдиган ҳолатларни сураткаш бир кўзи билан кўриши керак дейишади...

— Ижодкорнинг қалб кўзи очиқ бўлмаса, фотоаппаратнинг бир кўзи билан ҳеч нарсани кўра олмайсиз. Суратчи ҳам бошқа ижодкорлар сингари кузатишдан эринмаса, оламга ҳайрат кўзи билан боқа олсагина бошқалар кўра олмаган жиҳатларни илғай олади. Бўлмаса, бир қолипдаги суратлар олинаверади.

— Гўзал лаҳзаларни кўриб қолдингиз, аммо ёнингизда фотоаппаратингиз йўқ...

— «Керакли тошнинг оғири йўқ» деган мақолни эслайман. Баъзи пайтларда чарчаган бўлсам, фотоаппаратимни уйда қолдираман. Аксига олиб ана шундай пайтларда кутилмаган кадрлар чиқиб қоладики, бармоғимни тишлаб қолавераман. Шу боис ишлатсам ишлатмасам, уни доим ёнимда олиб юришга қарор қилганман.

— Сиз ушлаб қололмаган лаҳзалар...

— Мен ушлаб қололмаган лаҳзалар, бу — мен дуч келмаган лаҳзалар, бўлса керак.

Яна бир ҳолат борки, йўловчи машинада кетаётган пайтимда кўп лаҳзаларни ўтказиб юборишга тўғри келади. Чунки ҳайдовчига «Тўхтанг, суратга олволай», дейиш бироз ноқулай. У тормозни босиб тўхтаб олгунча, мен кўрган лаҳза ўтиб кетган бўлади. Агар автобусда бўлсам, манзилимга ҳали анча бор бўлса ҳам тушиб қоламан. Ижод ана шунақа ажойиб жараён-да!

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнаётган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада вилоят ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари, ЎзХДП фаоллари иштирок қилди.

Йигитлар хизматга йўл олди

— Ўғлим аскар бўлганлигидан хурсандман, — дейди булунғурлик Маърифат Пардаева. — Армияда хизмат қилиш йигитнинг дунёқарашини ўстириши билан бирга соғлом ва баркамол этиб вояга етказади. Ишончим комилки, фарзандим Ватан олдидаги бурчини шараф билан уддалайди.

— Шу пайтга қадар умумтаълим мактаби ва касб-ҳунар коллежида кўплаб синов имтиҳонларини топширганман, — дейди ургутлик Мурод Нарзиев. — Маҳалламизда йигитлик бурчини ўтаганлар оз эмас. Улар билан суҳбатлашганда «Муддатли ҳарбий хизматга бориш ниятинг бўлса, астойдил тайёргарлик кўр», деган гапни кўп такрорлашарди. Ушбу маслаҳатнинг нақадар ўринли айтилганини энди тушуниб етдим. Чунки аскар бўлиш учун нафақат соғлом, бақувват, балки маънан ҳам етук бўлиш керак экан.

— Ҳарбий хизматни ўташ йигитларимиз учун фахр-ифтихорга айланиб бормоқда. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келганлар учун имтиёзлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Абдужабборхон Нарзуллаев.

Тадбирда муддатли ҳарбий хизматга йўл олган йигитларга эсдалик совғалари топширилди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО *20-21 – 02. 2014*

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-4 / +1	+3 / +8
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-3 / +2	+5 / +10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-3 / +2	+5 / +10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	0 / +5	+5 / +10
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-3 / +2	+3 / +8
Тошкент шаҳри	-1 / +1	+5 / +7

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон	+10 / +8
Париж	+14 / +12
Москва	+1 / +1
Мадрид	+14 / + 10
Пекин	+5 / +8
Канберра	+23 / +24
Токио	+ 8 / +10
Стокгольм	+ 2 / +3
Кейптаун	+24 / +26
Қоҳира	+24 / +27
Гавана	+30 / +31
Вашингтон	+14 / +17

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти жамоаси Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаруҳ Ҳамроевга онаси **Сайёра ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табиат мўъжизаси

Уч метрли муз сумалаги

ажабтовур музпарда ва ҳайратомуз яхмалаклар табиат ошуфталарини «Сангардак»ка чорламоқда

Қишнинг сўнгги ойидаги аёзли кунлар Сурхон воҳасининг шимоли-шарқида жойлашган «Сангардак» шаршарасида бетакрор манзара ҳосил қилди. Она табиатнинг «мусаввир»лигидан ҳайратга тушган табиат ошуфталари эса уни томоша қилгани келмоқда. Баландлиги қарийб 150 метр, эни 80 метргача келадиган улкан ҳудудда миллионлаб муз сумалаклари пайдо бўлди. Улар орасидаги шишасимон музпардалар гўё сумалакларни ушлаб тургандек тасаввур уйғотади кишида. Қуёшнинг илиқ тафтидан «чаккиллаб» томаётган оби-ҳаёт томчилари эса қаҳратон қишнинг қаҳрини синдиришга уринаётгандек...

Тоғ этагига тушган улкан муз сумалаги ҳайратимизни янада оширди. Киши қучоғига аранг сиғадиган сумалакнинг узунлиги 2 метру 94 сантиметрни ташкил қилди. Оғирлиги зил-замбил, кўтаришга куч камлик қилади.

— Бу йил қиш анча аёзли келди, — дейди «Хонжиза» маҳалласида яшовчи ҳамроҳимиз Аваз Беков. — Денгиз сатҳидан 2,5-3 минг метр баландда жойлашган қояларда 1,5-2 метргача қор тушди, кечалари 25-30 даражагача совуқ бўлди. Ариқ, дарё ва кўлларни 25-30 сантиметр қалинликда муз қоплаган.

Дарҳақиқат, улкан қояда шокила-шокила бўлиб осилиб турган миллионлаб муз сумалаклари, камалакранг товланувчи музпардалар ва ҳудуддаги ажиб яхмалакларни томоша қилиб ҳузурланасиз. Ёз фаслида эса бу ердаги шаршарани кўриб, кўз қувнайди. Диёримизнинг бу ошиёни қишин-ёзин юртдошларимизни мафтун этаётгани ҳам шундандир балки...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реклама

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда реконструкция қилиниши, қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
	ЛОТ 34-5:			
Лот-1	Булунғур тумани, Ўртабулоқ ҚФЙ, Боғбон қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	113 225 117 сўм	135 870 140 сўм	5 ой
Лот-2	Иштихон тумани, Чордара ҚФЙ, Барлос қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	125 055 350 сўм	150 066 420 сўм	5 ой
Лот-3	Каттақўрғон тумани, Н.Зокиров номли, Ўрикзор, Раззоқов номли ва Навбаҳор маҳаллалари учун сув иншооти ва тармоғи қурилиши	116 930 992 сўм	140 317 190 сўм	5 ой
Лот-4	Нуробод тумани, Нурбулоқ ҚФЙ, Кечкелдик қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	105 879 292 сўм	127 055 150 сўм	5 ой
Лот-5	Нуробод тумани, Хазармали ҚФЙ, Меҳр қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	140 646 667 сўм	168 776 000 сўм	5 ой
	ЛОТ 35-5:			
Лот-1	Пайариқ тумани, Қорасув ҚФЙ ҳудудидаги сув иншоотини реконструкция қилиш ва сув тармоғи қурилиши	488 878 500 сўм	586 654 200 сўм	5 ой
Лот-2	Пахтачи тумани, Дунг МФЙда сув тармоғи қурилиши	142 757 692 сўм	171 309 230 сўм	5 ой
Лот-3	Самарқанд тумани, Улуғбек номли ҚФЙ, Чоршанба қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	119 520 833 сўм	143 425 000 сўм	5 ой
Лот-4	Самарқанд тумани, Кублаипоён ҚФЙ, Шўрбойча қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	119 520 833 сўм	143 425 000 сўм	5 ой
Лот-5	Ургут тумани, Испанза ҚФЙ, Жайратепа маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	124 579 125 сўм	149 494 950 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 34-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5), Лот 35-5 (Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қуйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус - 2Д, 403-хона.***

Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.**

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:

Abdulla ORIPOV, Ulug‘bek Hotamjon KETMONOV, MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV, Ulug‘bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Rustam KAMILOV, Tat’yana KISTANOVA, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 260
22082 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 01.00
Topshirilgan vaqti — 03.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5